



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№6 (88) 6.02.2020 йил

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ

Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадиий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга хурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу эса ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шакланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажақ авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машҳур бўлган Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" ансамбли ўзининг қарийб 30 йиллик фаолияти давомида ўзбек миллий рақс санъати ривожига ўчмас из қолдирди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида "Баҳор" ансамблининг ижодий фаолияти тўхтаб қолди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда

миллий рақс санъатида профессионал бадиий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш, балетмейстерлар ва балет артистларининг янги авлодини шакллантирадиган ижодий лабораторияларни ташкил этиш, уларнинг малака ва тажрибасини ошириш, шунингдек, ўзбек рақс санъатининг "олтин фонди"ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини янада ошириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси кенгашининг **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузурида давлат муассасаси шаклида "Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли"** (кейинги ўринларда – Давлат рақс ансамбли) фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. **Давлат рақс ансамблининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:** Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, бу борада шакланган ижодий мактабларга хос анъаналарни, моҳир балетмейстерлар,

балет артистлари меросини тиклаш; миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари "олтин фонди"ни яратиш;

халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий bilimлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликини англаш, ажодлар меросига хурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш;

рақс ва хореография санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этиш, истеъдодли ёш балетмейстерларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш;

миллий рақс ва хореография санъати соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари асосида замонавий рақс композицияларини саҳналаштириш;

миллий рақс санъатини мамлакатимизда ва хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш мақсадида Давлат рақс ансамблининг миллий ҳамда жаҳон халқлари рақсларидан иборат дастурлари асосидаги гастроль-концерт фаолиятини йўлга қўйиш.

Давоми 2-саҳифада >>>

Ушбу сонда

Мустақиллик меъмори



7-саҳифада >>>

Навоий асарларида инсонийлик васфи



5-саҳифада >>>

Дўстона алоқалар эзгуликка пойдевор бўлсин!

2-саҳифада >>>

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ

Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш tizimini tubdan takomillashtirish va ilmiy salohiyatni yanada rivожlantiриш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой маданий меросимиз, миллий ўзлигимиз, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз, маданият ва санъатимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган рақс санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва жаҳон рақс санъатининг намуналаридан кенг баҳраманд этишни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Рақс санъати соҳасида "устоз-шогирд" анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда илмий-таълим мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ва Халқ таълими вазириликнинг:

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси

Маданият вазирилик тизимида Ўзбекистон давлат хореография академиясини (кейинги ўринларда – Академия) ташкил этиш;

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби тизимидаги **Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактабини Академия тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга айлантириш;**

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида Академия ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розил берилсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

а) Академиянинг асосий вазифалари этиб:

кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;

рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педа-

гог кадрларни тайёрлаш; илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ва халқаро грантлар асосида уларнинг хорижда таълим олиши, илмий-ижодий ишлар олиб боришини самарали йўлга қўйиш, ҳамкорликдаги концерт дастурларини ташкил этиш;

кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятни янада ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни ушбу йўналишга кенг жалб этиш;

соҳа мутахассисларини хорижий турдош олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, стажировка ўташ тизимини ташкил этиш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот муассасалари базаларида ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотларида тизимли равишда қисқа ва узок муддатли амалиётларни ташкил этиш;

б) Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ва ихтисослаштирилган

бошланғич рақс санъати мактаб-интернатининг (кейинги ўринларда – мактаб-интернатлар) асосий вазифалари этиб:

ўқитишнинг замонавий ва илгор услубларидан кенг фойдаланиш, ўқувчилар иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш;

рақс санъати иқтидори бўлган ёшларни жойларда саралаб олиш, уларни касбга йўналтириш ва хореография таълими соҳасида узвийликни таъминлаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илгор ютуқларни таъбиқ этиш;

ўқувчиларни келгусида рақс йўналишидаги олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириши ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун ихтисослик фанларидан чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда сифатли ўқитиш;

ўқитиш жараёнига етук ва малакали рақс санъати мутахассисларини жалб қилиш ва уларнинг самарали меҳнат фаолияти олиб боришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Давоми 3-саҳифада >>>

Донорлар сузлайди...

Ҳеч ким иш ўлмас айру Холиқ амридин, Илтижо маълумқда кетирма кўл.

Шаҳеким, анга адл бунёд улур, Натижа буким, мулки обод бўлур.

Меҳнат билан топган бир бурда ноннинг қадри, султонлар саройидан олган олтиндан юз ҳисса аълороқдир. (Алишер Навоий)

Халқаро ҳамкорлик

Давоми. Боши 1-саҳифада



Дўстона алоқалар эзгуликка пойдевор бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг республикамизга ташриф буюрган Хитой халқаро маданий алоқалар маркази раиси Ўринбосари Аймай Иминти билан ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди.

Маълумки, сўнгги йилларда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳар икки давлат раҳбарлари томонидан изчил ривожлантириб борилмоқда. Уларнинг доимий олиб бораётган юқори даражадаги учрашув ва мулоқотлари икки халқнинг яқин қўшничилиги, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитойда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги форумида иштирок этар экан, "Битта камар, битта йўл" ташаббусининг фаол қатнашчилари, стратегик ҳамкорлиги сифатида муҳим шартномалар ва лойиҳаларни амалга оширишда икки давлат муносабати муҳим аҳамиятга эга эканини ва бу борада салмоқли ютуқларга эришилаётганини таъкидлади. Учрашувда ҳар икки халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун Хитой халқаро маданий алоқалар маркази билан ўзаро маданий алоқаларни янада кенгайтириш, санъат ва маданиятни, ҳаттолик, тасвирий санъат бўйича тажрибаларини ўрганиш, алмашиш имкони ҳақида ҳам сўз борди. Бунинг учун ҳар икки давлат маданий алоқаларида муҳим рол ўйнайдиган Хитой халқаро маданий алоқалар маркази билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши керак, қайсики, бу Ўзбекистон маданиятини Хитойдаги дунё маданияти мисолида янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шу мақсадда Хитой халқаро маданий алоқалар маркази куйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилиш таклифини билдирди:

- 1) Театр томошаларини ҳар икки давлатда мунтазам олиб бориш, "Кизил юлдуз", шунингдек, ногиронлар бадиий труппаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг икки мамлакат бўйлаб чиқишлари, саёхатини уюштириш;
 - 2) Икки халқнинг ҳаттолик, тасвирий санъат турлари бўйича кўргазмаларини Ўзбекистон ва Хитой санъати намояндалари иштирокида ташкил этиш;
 - 3) Шунингдек, ҳар икки халқнинг номоддий маданий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ўз навбатида марказ томонидан қарийб беш минг йиллик тарихга эга Хитой тамаддунига бағишланган номоддий маданий меросни ўзлаштириш ҳақидаги Бутунжаҳон конференцияси ва форумидаги иштирокини таъминлаш орқали хитой ва ўзбек халқлари ўртасидаги анъанавий дўстликни ривожлантириш.
- Шояд хайрли мақсадлар рўёби тинчлик, дўстлик, фаровонлик каби эзгуликларга пойдевор бўлса ажабмас.

Сайёра Рихсиева

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

3. Куйидагилар:

"Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли" давлат муассасасининг тузилмаси 1-иловага;

"Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли" давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат рақс ансамбли фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар; шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар; халқаро молия институтлари ҳамда донор ташкилотларнинг грантлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомилийк хайриялари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда Давлат рақс ансамблига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағлар унинг ўз даромадлари билан қопланмаган қисми учун ажратилади.

5. Давлат рақс ансамбли артистлари ҳамда бадиий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ-1280-сон "Ўзбекистонда театр ва musiқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг амал қилиши, артистлар ҳамда бадиий ходимларнинг аввалги иш жойларида узоқ муддат хизмат қилгани сақлаб қолинган ҳолда, татбиқ этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат рақс ансамблини сақлаш харажатлари 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликка Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан доирасида назарда тутилади;

Давлат рақс ансамбли қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, концерт-

томоша фаолиятини тегишли лицензия олмасдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида концерт-томоша тадбирларини бир марталик рухсатнома олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Давлат рақс ансамблининг директори ва бадиий раҳбари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

7. Давлат рақс ансамблига:

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликка Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1 та энгил автотранспорт воситаси учун маблағ ажратилиши;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 та автобус ва 1 та юк автотранспорт воситасини харид қилиш ҳамда сақлаш учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Давлат рақс ансамблининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ижодкорлари ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида доимий равишда ҳомилийк ёрдами кўрсатиши назарда тутувчи "Дўстлар клуби"ни ташкил этиш бўйича берган таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз тизими учун бюджетдан ажратилган йиллик маблағлар доирасида доимий равишда Давлат рақс ансамблига "Тошкент радио эшиттириш уйи"даги овоз ёзиш студиялари ва техник воситалардан текин фойдаланиш ҳамда Давлат рақс ансамбли томонидан ижро этиладиган рақсларга басталанган musiқий асарларни ёзиб олиш, эфирга узатиш ва тарғиб қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда Давлат рақс ансамблини жойлаштириш учун бино ажратиш, бинони реконструкция қилиш ва зарур воситалар билан жиҳозлаш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликка манфаатдор вазирилик ва идо-

ралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган Ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ушбу қарор ижросининг назорати куйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов – ушбу қарор ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирилик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А.Назарбеков – ушбу қарор ва чора-тадбирларни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бурсин;

масъул вазирилик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ушбу қарор ва чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Ҳаджаев – ушбу қарорнинг маъмурий аҳамияти, аҳамияти ва мамлакатимизда миллий рақс санъатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни мунтазам ёритиб бурсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 4 февраль

Муносабат

Ҳаётбахш, умидбахш қарор

Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири:

Давлатимиз раҳбарининг халқимиз маданияти, ўлмас қадриятлари, адабиёт ва санъати ривожини йўлидаги хайрли сарф-ҳаракатларидан яна бири – "Миллий рақс санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кўплари, айниқса, соҳа жонқуярларининг қувонтириб юборгани аини ҳақиқат. Ўзеки сўнгги нафасини олаётган миллий рақс санъати учун зарур вақтда қабул қилинган ҳаётбахш, умидбахш қарор бўлди, дейиш ҳам мумкин. Бир пайтлар ўзининг бетакорр жозибаси, ҳаётбахшлиги билан қабиблири ром этган миллий рақсимиз Ўзбекистон халқ артисти, бетакорр рақсоза Мукаррамаҳоним Турғунбоева раҳбарлигидаги "Баҳор" ансамбли дунё кезиб, миллатимиз рақсини жаҳонга тараннум этган эди... Ҳозирги кунда ҳам ўша машҳур миллий рақс мактабининг кўрган устоз санъаткорларимиз бор. Аммо уларнинг ижоди тўхтаб қолгандек. Яна миллий рақс бўйича керакли илмий ишлар қилинмагани ҳам бор гап. Бугун рақс санъатида қандайдир камчиликлар кузатилаётган бўлса, бу ҳам ушбу санъ-

ат турига жиддий эътибор қаратилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузурида давлат муассасаси шаклида "Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли" фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини, айниқса, миллий рақс санъати фидоийлари, фахрийлари чуқур ҳаяжон, миннатдорлик билан кутиб олишди. Жумладан, Зиёда Мадраҳимова, Мазъура Эргашева, Рушана Султоноваларга жуда катта маънавий рағбат берганини, бу ҳушхабардан кўнглилари тоғдек кўтарилганини айтишди. Шунингдек, ушбу қарорнинг манتيқий давоми сифатида қабул қилинган "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз қарори миллий рақс санъатини ривожлантириш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бўлди. Зеро, унда таъкидланган Ўзбекистон давлат хореография академиясининг ташкил этили-

ши ва унинг тизимида Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг фаолият олиб бориши рақс санъати соҳасида "устоз-шогирд" анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш ҳамда рақс санъатига доир илм-фанни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида давлатимиз раҳбарининг бешта муҳим ташаббуси ижросини кенг қамровда олиб боришда яна бир асосий жиҳатлардан бўлади. Айниқса, ушбу йўналишда ўқиб, ишлаётган ўқитувчи, талаба ва ўқувчилар учун замон талаблари асосида 50 ўринли оромгоҳнинг ташкил этилиши миллий рақсимиз, ихлосмандларни ва жонқуярларига бўлган алоҳида эътибор ва рағбат намунасидир. Демак, ушбу муҳим қарорлар ижроси халқимиз дилидаги эзгу армонлардан бўлган миллий рақс санъатининг қайта тикланиши ва янада ривожланишига хизмат қилиши аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қ А Р О Р И

Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Академия Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) мактаб-интернатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигида шахсий газна ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр, штамп ва бланкага эга бўлади;

в) ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларда таълим 1-4-синфларда, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 1-11-синфларда олиб борилади;

г) ўқишга қабул ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларга 1-синфдан, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 1 ва 5-синфлардан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон давлат хореография академияси, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати, ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагилар Академия ва мактаб-интернатларнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб ҳисоблансин:

а) Академияда:
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети манбалари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратилган грантлар;
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) мактаб-интернатларда:
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети манбалари;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия институтларининг грантлари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббусини Академия ва мактаб-

интернатларда амалга ошириш тартиби ва чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Талаба ва ўқувчилар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ёшларнинг ўқув ва маънавий ҳаётидаги муаммолар масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш Академия ва мактаб-интернатлар барча раҳбарларининг, профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгилансин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда Академия ва мактаб-интернатларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари ижодий фаолигини янада ошириш, таътил давомида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида замон талаблари асосида 50 ўринли оромгоҳ ташкил қилсин ва унинг биносини 2021 йил 1 июлга қадар фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

Оромгоҳда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари бўйича:

а) Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона бюромачи хизмати" инжиниринг компанияси – бюромачи этиб белгилансин;

б) бош лойиҳа ва бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари натижасида аниқлансин;

в) молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилояти ҳокимиятлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 2021 йил 1 августга қадар ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари биноларини тўлиқ реконструкция қилиш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларининг молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

а) икки ой мuddатда:
жаҳондаги илгор тажрибани атрофича ўрганган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари

ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш;

Академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини асосан мамлакатимиздаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган, шу жумладан, хорижий таълим ва илмий муассасаларда ҳамда мактаб-интернатларда рақс санъатини ўқитиш фаолиятини янада ривожлантириш;

республикадаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда рақс санъатини ўқитиш фаолиятини янада ривожлантириш;

рақс санъатининг ижодий, илмий-услубий ва ижро анъаналарини пухта ўзлаштириш ва муносива давом эттириш, бунда таълим муассасаларида моҳир рақс усталарини бириктириш ва шу асосда "устоз-шогирд" мактабларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

б) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Академия ва мактаб-интернатларнинг раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари таркиби фаолиятининг самарадорлигини тасдиқланган мақсадли дастурлар бўйича рейтинг баҳолаш тизимини жорий этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлар учун мўлжалланган ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларнинг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлаши ҳамда малакали педагог-кадрлар билан таъминласин;

ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларини дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бадий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат биносини реконструкция қилиш ишлари учун зарур капитал қўйилма маблағларини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Академияга 50 ўринли автобус харид қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағ ажратишини;

Академия ва мактаб-интернатларни жорий

сақлаш харажатларини молиялаштириш учун зарур маблағларни 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маданият вазирлигига тақсимланадиган маблағлар доирасида ажратилишини таъминласин.

12. Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларида 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ушбу қарор ижросининг назорати куйидаги тартибда амалга оширилинсин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов – ушбу қарор ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А.Назарбеков – ушбу қарор ва чора-тадбирлар дастурини ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимлари (Ҳ.И.Барноев, Э.Т.Мирзаев, Х.Х.Бозоров, Ф.У.Эрманов) – ташкил этилаётган ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларида амалга ошириладиган таъмирлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли олиб борилишини, бино-иншоотларни белгиланган мuddатларда фойдаланишга топширилишини таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ушбу қарор ва чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча чораларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Хаджаев – ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритсин ҳамда рақс санъатининг халқ орасида омалашувини назарда тутуви махсус илмий-оммабон ва қисқа метражли кўрсатувларни намойиш этсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 4 февраль



» Назм ва наво

“Мақомни авлодларга безавол етказайлик”

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятларда намунали мақом ансамбллари ташкил этилди. Хусусан, Сурхондарёда ҳам.

Бутунги кунда воҳадаги “Мақом” ансамблида 32 нафар ҳодим фаолият олиб бормоқда. Ансамблнинг ҳонанда ва созандаларига шашмақом таркибидеги асарлар, бастакорлар ижодидан намунали ҳамда халқ куйи-қўшиқлари буюқ ҳофизу созандалар томонидан қандай ижро этилган бўлса, ўша оҳанг ўйналишида ўргатиб келинмоқда.

Сурхондарё вилояти намунали “Мақом” ансамбли Халқаро мақом санъати, Халқаро бахшичилик ва “Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивалларида, турли давлат тадбирлари ва байрамларда ўз чиқишлари билан фаол иштирок этмоқда.

2018 йил 30 ноябрда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва Сурхондарё вилояти намунали “Мақом” ансамбли билан ҳамкорликда вилоятдаги мухташам санъат саройида илж маротаба “Мақом кечаси”ни ўтказишган эди. Концерт воҳа аҳлида катта таассурот қолдирди. Бундан рухланган жамоа яна янги асарларни ўрганиб, 2019 йил 14 февралда Сурхондарё санъат саройида Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Анъанавий хонандлик” кафедраси билан ҳамкорликда “Назм ва наво” кечасини ўтказди. 2019 йил 24 декабрда эса ҳисобот концертини намойиш этди. Мақомларимизни келажак авлодга безавол етказиш, уларни катта-катта саҳналарга олиб чиқиш, телевидение ва радионинг олтин фондларидан жой олиш, мақом санъатини юртимизда ва чет элда кўпроқ тарғиб этиш ансамблнинг бош мақсадиридир.

» Форш маданият марказида



“Тоғ шалоласи”

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг санъатга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг 20 январь куни Жиззах вилояти Форш тумани маданият марказида “Тоғ шалоласи” ашула ва рақс халқ ансамблининг ҳисобот концерти ташкил этилди.

Жамоа аъзолари томонидан “Наззора қил” куйи, “Алишмайман” ялси, “Эт-масмидим” яққа ашуласи, “Нозлигим” яққа рақси, “Ҳиллол” оммавий рақси, яққа созанда ижросида “Елпазаланди” куйи, “Ер келар” лапарни ҳамда Хоразм мақомларидан “Оразбон” ижро этилди.

Л.Ҳақимова, Марказ мутахассиси

Халқ қаҳрамонлари

Тарихий шахслар



29 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи Янги тарих бўлими илмий ходимлари иштирокида Нукус шаҳридаги 8-умумтаълим мактабда «Тарихий шахслар» номи кўргазмали кеча ташкиллаштирилди. Уни тарих фани ўқитувчиси Юлдуз Абдуллаева очиб берди. Бўлимнинг илмий ходимлари музей тарихи ва миллий қаҳрамонларимиз

«Тўмарис», «Гулайим», халқ ботирлари «Алпомиш», «Едиге», «Ерназар Алакёз», «Айдос бий» ва «Маман бийлар» ҳақида маълумотлар бериб, слайдлар намойиш этишди. Кўргазма давомида мактаб ўқувчилари турли тарихий кўринишлар ва қорақалпоқ халқ рақсларини маҳорат билан ижро этиб, кечага янада завқ бағишлашди. Тадбир сўнггида мактаб жамоаси музей ходимларига ўз миннатдорчилик-

ларини билдиришди. Сабаби, бундай кечалар ўқувчиларнинг комил инсон бўлиб етишишида, ватанимиз тарихини мукамал билиши ва унга муносиб авлодлар сифатида тарбияланишида муҳим ўрин тутишини айтиб ўтдилар.

Света Палманова,
Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Маданият вазирлигида



Марказий аппарат ходимларининг илк йиғилиши

31 январь куни Маданият вазири О.Назарбековнинг марказий аппарат ходимлари иштирокидаги биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўрилган илк масала жамиятнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилди. Вазир юртбошимиз томонидан берилган топшириқларни бажаришда, аввало, соҳанинг ҳар бир вакили ўзини тарбия қилиши, муомала маданияти, ватанпарварлик, виждон ва ҳалоллик каби фазилатларни қалбига жойлаб, барчага намуна бўлиши зарурлигини, бир жамоа, бир оиладек, ҳамфикрликда иш юритиш орқали мақсадга эришилишини таъкидлади.



Йиғилишда, шунингдек:

- халқро туризм аҳамиятига молик бўлган, аммо йўл харитасига киритилмаган моддий-маданий мерос объектларини ўрганиб чиқиш ва қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- рақамли технологияларни тизимли равишда ташкил этишда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- маданият соҳаси имиджини яратиш;
- буюк мутафаккирлар А.Навоий ва З.М.Бобур ҳамда жадид адабиёти намоёнлари М.Бехбудийлар таваллуди муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш;
- 2020 йил Хива – туркий давлатлар пойтахти, Бухоро – Ислмо олами маданияти пойтахти этиб белгилангани бўйича тайёргарлик ишларини олиб бориш;
- ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилмаган моддий ва номоддий маданий мерос объектларини ўрганиш ҳамда рўйхатга олиш каби қатор масалалар атрофида муҳокама этили.

Оғоҳлик – давр талаби

Коронавируснинг давоси борми?



2019 йил охирида Хитойнинг Ухань шаҳрида тарқалган коронавирус бугун бугун дунёга хавф солмоқда. Вирус қурбонлари сони соат сайин ортиб борапти. 4 февраль ҳолатига қўра, қурбон бўлганлар сони 425 нафарга етди. Касалланганлар эса 20438 нафарни ташкил этмоқда. Коронавируснинг тўғридан-тўғри Хитой ёки қўшни республикалар орқали юртимизга ҳам кириб келиш хавфи мавжуд! Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ходимлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан профилактика мақсадида давра суҳбати ташкил қилинди. Агентлик мутахассиси шифокор-эпидемиолог Ғулом Ражабов йиғилганларга коронавирус бўйича маълумотлар ҳамда мавзу юзасидан уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Унинг айтишича, коронавирус – ҳаво томчи йўли орқали юқадиган инфекция. Аксирганда, йўталганда одамдан одамга ўтиши мумкин. ССВ ва Агентлик томонидан коронавирус-

нинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Мутахассис Ғулом Ражабовнинг таъкидлашича, мазкур вируснинг олдини олиш учун ҳукуматимиз томонидан 11 млрд. сўм маблағ ажратилган. Мазкур маблағ аҳолига эпидемия ҳақида тушунчалар бериш учун ОАВда видеороликлар яратиш, тарқатма материаллар чоп этиш ҳамда тарқатишга сарфланди.

“Бу инфекция билан курашиш мумкин.”

Биринчи навбатда гигиена талаблари, қондаларини билишимиз ва уларга риоя этишимиз керак. Яъни шамоллаган одам ниқоб тақши зарур ёки уни алоҳидалаш лозим. Беморга тезлиши дориларни бериб, симптоматик даволанади. Бу даволаса бўладиган касаллик, – деди врач-эпидемиолог Ғулом Ражабов. Шунингдек, мутахассис аҳолини ваҳимага тушмасликка чақириб, унинг олдини олиш учун етарли чоралар кўрилганини билдирди. – Чеғарадаги санитар-карантин пунктлари фаолияти назоратга олинган. Ҳар бир пунктка инфекцияни бириктирилган. Тегишли тепловизор орқали кириб келаятганларнинг тана ҳарорати кўтарилган-кўтарилмаганини аниқлаймиш ва зарур чораларни кўралимиш. Шунингдек, ҳар битта тиббиёт муассасасида захира ўринлар, дори-дармонлар тайёрлаб қўйилган.”

Мулоҳаза

Кўзни чарчатадиган клиплар

Ҳақиқий санъат инсон руҳиятини тарбиялайди. Маданий ҳордиқ олиш учун гўзал куй-қўшиқлар айна мундоо. Уларга ишланган клиплар эса мусиқа қадрини янада оширади. Бирок санъат оламида яратилаётган барча ижод маҳсуллари ҳам инсон руҳини тарбиялай олади деб айтолмаймиз.

Мас-медиа оламида телеведениенинг ўз ўрни бор. Телеканаллар тарбия тарбиятотчиси ҳамдир. Юртимизда ўз томошабинларига эга “ZO’Rtv”, “SEVIMLI”, “MYS”, “NAVO”, “MILLIYtv” каби телеканаллар бир-бириндан ажойиб ток-шоулар билан бирга халқимизга мусиқий клиплар ҳам улашиб келади. Ҳар биримиз уларни дастурхон атрофида, уй юмушларини бажараятганда, буш вақтимизда томоша қиламиз. Аммо бу каналлар орқали эфир юзини кўраётган клиплар кимга қандай таъсир қиляптию, кимга нимаани ўргатапти?! Ешларимиз тарбияси бузилапти деймиш. Аммо уни ким бузаяпти? Тарбияни бузувчи ғояларни еш катталарнинг ўзлари бизга ўргатамаяптими?!

Ҳар бир хонанда ўз таронасига клип олиб, уни халққа улаштириш истаиди. Аслида клип нима учун керак? Клип мусиқа маъно-моҳиятини томошабинга яхшироқ етказиб бериб, унга ўзгача жазо бахш этиш учун тасвирга олинади. Ҳозирда эфирга узатиладиган айрим клипларимиз энг сўнгги русумдаги клипна, алламбалоларни устига олиб, атрофига тўртта «эмонавий» рақосаларни йиққан қўшиқчидан иборат бўлиб қолди. Уларни бирор хорижлик томоша қилса, бу қўшиқ қайси давлат хонандасига тегишли эканини фарқламагани аниқ. Чунки на матнда, на оҳангда, на кийиниш услубида ўзбекона руҳ бор. Улар ёшлигимизда кўзимизга қўйиб томоша қиладиган “бикнолд” ларга ўхшайди. Фақат кўзни чарчатгани қолади, холос. Мисол тарихасида ақиндагина суратта олинган Афрузанинг «Вот такая», Жаҳонгир Отажоновнинг «Жингламо», Муниса Ризаеванинг «Бир нима де», Умидахоннинг «Дўлимдан қоч»ларини келтириш мумкин. Биз ҳозир сизга хит даражасига кўтарилган мусиқалар ва жуда машҳур хонандаларнинг клипларидан мисол келтирдик. Тўғри, талаб даражасидаги клиплар ҳам йўқ эмас. Аммо улар бармоқ билан санарли даражада. Ҳамма айбни санъаткорларга юклас ҳам хато аслида. Чунки улар ҳам талабдан келиб чиққан ҳолда клип яратди. Тасаавур қилинг, сиз шу кунгача ношуфтага олий навли бугунги ундан янги пиширилган ширинлик истеъмо қиласиз. Ё кепак ундан тайёрланган ширинлик ейсизми? Йўқ, албатта. Нима учун моддий жиҳатта шу даражада эътибор берамиш-у, маънавий озуқага бармоқ орасидан қараймиш?

Клипларни суратта олганлар ҳам, уни эфирга узатганлар ҳам маълум бир маънода фойда кўришмоқда. Ягона жабр кўрувчи биз томошабинлар бўлиб қоламиз. Дунёни ўзгартирмоқчи бўлсанг, аввал ўзингни ўзгартир дейишади. Маънавиятни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, энг аввал уни тарбия қилувчиларни маънавият “вакцинаси” билан “эмлаш” зарур.



Шаҳрибону Фармонова, ЎзЖОКУ талабаси

Маданият марказларида

Тўгараклар фаолиятини яхшилаш зарур



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида”ги мажлис баёнида белгиланган вазифалар ҳамда Маданият вазирлигининг чора-тадбирлар режаси ва топшириқлари ижроси юзасидан 3 февраль куни Урганч тумани маданият бўлимига қарашли Қорамон маданият марказида «Маданият марказларида тўгараклар фаолиятини яхшилаш» мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда бўлимдаги тўгарак раҳбарлари ҳамда ўқувчилар қатнашиб, ўзаро фикр алмашилди. Фаолиятта доир муҳим тақлифлар инобатга олиниб, албатта амалиётга жорий этилиши кўзда тутилди.



Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги



Ҳар йили республикада ўтказилиши анъанага айланган Ҳазрат Алишер Навоий таваллуд куни билан боғлиқ тадбирлар ҳам маънавият, ҳам маърифат сабоғидир. Кенг жамоатчилик Навоий ижоди уммонига қайта-қайта мурожаат этади, нодир дуру гавҳарларни излайди ва улардан ҳар сафар янгидан-янги маънолар топади. Шу тариха буюк мутафаккир асрлар оша авлодлар сўровига жавоб бераверади.

Навоий асарларида инсонийлик васфи

Инсонни инсон қилгувчи барча яхши фазилатлар, умуман олганда комиллик тарбияси Алишер Навоий ижодининг долзарб масалаларидан бўлиб, асарларининг гоёвий-бадий моҳиятини ташкил этади. Ҳазратнинг нутқи ва нидолари, тақлифу тавсиялари, тарғибу ташвиқлари, маслаҳату насихатлари, васиятлари қаратилган шахс – бу, албатта, баркамоллиги орзу қилинган навқирон авлоддир.

Бунинг замирида миллат, давлат ва мамлакат келажagini буюк ҳамда баркамол қўришдек улғувор, неқибн ҳикмат, ният мужассам. Президентимиз таъкидлаганларидек, ўзидан кейинги авлодни маънавий-жисмоний жиҳатдан баркамолроқ, ақл-заковати янада етуқ, бахтли ва саодатлироқ қўриш ҳар бир наслнинг орзуси бўлган ва бу азалий давом этажак.

Ўзбекистонда йилдан-йилга баркамол авлод гоёси, таълим-тарбияси, таъминоти изчил такомиллашмоқда. Утган йилларда ҳалқимиз бу борада улкан ютуқларга эришди. Бироқ биз ёш авлоднинг бундан-да баркамоллашувиغا интиломимиз даркор. Зотан, бир қарашда баркамоллик чексиз тушунчандир. Шу пайтгача муайян қомилликка эришган ҳеч бир зот шу билан қаноатланиб қолган эмас. Баркамоллик – қамолот, комиллик, таъбир жой бўлса, маънавий-жисмоний бутунлик, туталликдир. Баркамоллик, инсонийлик философияси тушунчасини шарҳлаш ва англашда Навоийнинг ушбу битиги гоёвий жиҳатдан лбратлидир:

*Камол эт касбким, олам уйдини
Санае фазр ўлмағай ғамнок чикмоқ,
Ҳаждонин нотамам ўтмак бийаиқ
Эрур ҳаммомдин нопок чикмоқ.*

Қитъанга ҳаётини бағрон шундаки, олам уйига таширф сибагини инсонинг камолотга эришишдек муқаддас мақсади, орзу бўлиши лозим. Дунёга келиб, мақсадсиз яшаган, инсоний баркамолликка эриша олмаган одам, охир-оқибат, олам уйдан ғамнок – афсус-надомат билан чиқади. Шор йайтадики, умр ганиматдир, баркамоллик касб этгин, токи ҳаётинг ниҳосида ушбу оламини ғамгин, қайғули тарк этмагасан. Зеро, комилликка интилмасдан ўтиш бами-

соли ҳаммомга кириб, нопок чиқиб кетмоқ билан баробардир.

Алишер Навоий асарларида баркамол авлод таълими ва тарбиясига тааллуқли фикрлар жуда кўп. Уларда илмга ва олимларга муносабат алоҳида аҳамиятга эга.

*Илмнинг илмига йил илмининг мақсани,
Қарилликда харж қилгил ани.*

Шоир талқинидаги илм ҳозирги тушунча миздагидан кўра кенгроқ маънога эга. У илм-фан маъносидан ташқари, хунар, касб-кор, ҳаётин тажриба каби маъноларни ҳам англатади. Бир қарашда, ёшлик илмин йиғиш, тўплаш – қариллик эса харж қилиш, сарфлаш мавсумидир. Чуккурроқ ёндашганда, илм шундай хазинаки, у инсонга тўқ-фаровон, бой-бадавлат, бахтли-саодатли умр кечирish ва қариганда муҳтож бўлмаслик, қариллик айёмида хор-зор, қаровсиз қолмасдан, ёшликда орттирилган илм хазинаси эвазига роҳат-фароғатда яшаш имкониятини беради.

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари комил инсон тарбиясига доир муҳим манбалардандир. Айниқса, унинг иккинчи қисмида маънавий баркамолликка оид қатор фазилатлар шарҳланадики, улардан ёшларимиз учун энг зарурларидан бири қаноатдир. Ҳазрат қаноатга жуда ажойиб таъриф беради: “қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди, у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилиган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир”. Дарвоқе, қаноат билан табиғатини тоблаган инсон мол-давлат илн-жиҳада олис юртларда сарсон-саргардон кезмайди, обрў-эътиборини ерга урмайди, оиласи ва ҳалқи шаънига доғ туширмайди.

Асарнинг учинчи қисмидаги таърифлар бири-бирдан қимматбаҳо маънавий дуру гавҳарлардир. Хусусан, саховат ва ҳиммат тўғрисидаги таърифда кўнгли мулкани забт этувчи қуйидаги мушоадалар мавжуд: “Ҳиммат аҳлининг ихтисоси – саховатдир; бу улғу сифат – покиза кишиларга хосдир. Одам – бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир; ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шароф ва шукҳу етишади... Ҳимматсиз одам – хазина топса ҳам, буюкларга тенг бўлмас”.



Улғу шоир бошқа бир асаридан нақл қилишчиқа, ҳиммат-саховат ва ҳомийликни касб-корига айлантирган Ҳотамтойдан ўзингиздек ҳимматли бошқа бир кишини кўрганмисиз, деб сўрайдилар. Ҳотамтой бир куни дашт аҳлига юз туя, сон-саноксиз қўйлар сўйиб, зиёфат берганини, шу орада тоза ҳаво олиш учун даштга чиқиб, ўтинчи чолни учратганини, уни орқалаб олган тиканлари заҳматидан озод бўлиб, Ҳотамтой зиёфатига кириб ором олишга даъват этганини, чол эса рад этиб, биров берган хазинадан кўра, ўз қўл кучи билан ишлаб топган бир дирхам афзаллигини айтиб, сен ҳам Ҳотамтой миннатини эшитгандан кўра, ушбу тикани ўтин заҳматини тортақол, дея жавоб берганини эслади ва шундай хулосани баён этади:

*Улки бу янглиг сўзи мавзун эди,
Мендин анинг ҳиммати афзун эди.*

Демак, тамасизлик, қаноат олий-ҳимматликнинг энг юксак босқичи экан. Навоий ҳиммат шарҳи учун табиғатдан ҳам шундай жуда оддий, аммо ажойиб ва гаройиб мисоллар топиб, бадий талқин этадики, унинг маҳоратига қойил қолмай илоҳ йўқ:

*Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича гайратинг йўқми,
Ипак қуртчиқа ҳимматинг йўқми?*

Тухм, яъни лола уруғи – ёруғ дунёни тарк этиб, ер бағрига кирди, гайрат-шижоат кўрсатиб, томир отди, тупроқни ёриб чиқиб ўсди, лола гули бўлиб очилди, оламга гўзаллик бағишлади. Қурт ўз жонидан кечиб, ўз вужудини қурбон қилиб, пилла ўради. Шу йўл билан инсоният оламини кийинтиргулик ипак ҳада этди. Арзимас бир уруғ ва жонзот гайрат ва ҳиммат билан бунёдкорлик кўрсатди. Эй одамзод, сен коинотнинг гултожисан, сенгагина раво қўрилган тафаккур ва амал коинотдаги бошқа бирор жонзоту жонис унсурда йўқ. Наҳотки, оддийгина лола уруғичалик гайратинг, ипак қуртчиалик ҳимматинг бўлмаса, дея нидо чекмоқда Навоий. Бундай таълифлар нидо ҳар қандай дангаса, инсонлик гайрати, гурури, ҳиммати мудраган инсонни, ўсирири маънавий-руҳий уйғоқликка даъват эта, ажаб эмас.

Дарвоқе, ҳар бир фўқаро инсонийлик гурури, нодир истеъдоди, гайрат-шижоати билан меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўз ундирса, шунинг ўзи олийҳимматлик, маънавий баркамолликдир.

Навоий асарларидаги ақл-заковат дурдоналарини ўзлаштириш ҳам баркамолликка эришишнинг муҳим омилларидандир. “Маҳбуб ул-қулуб” даги сатрларнинг кўпи шу қадар ақл-заковат билан йўғрилганки, улар ҳалқ мақоллари даражасида пурмаъно ва машҳур бўлиб кетган. Масалан: “Чин сўз мўътабар, яхши сўз – мухтасар”, “Билмаганини сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган – ўзига золим”, “Оз-оз ўрганиб – доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб – дарё бўлур”. Асардаги чин сўз ва уни айтиш одоби, меъёри ҳақидаги мана бу мисралар ҳам баркамоллик тарбиясига аҳамиятлидир:

*Хираманд чин сўзинг ўзга демас,
Вале бори чин ҳам деулик эмас.
Киши чинда сўз деса, зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.*

Алишер Навоий ижодининг аксарият қисми баркамол авлод тарбиясига бағишланган, десак муболаға бўлмайди. Бу асарлар мазмуни ва гоёларини ўқиб, ўзлаштиришнинг ўзингина кифоя эмас. Улар ёшларимизнинг ҳаёти ва фаолиятида амалий ифодасини топмоғи зарур.

Навоий асарлари – инсон руҳий дунёсининг кўзгуси.

Улғу боболаримизнинг ахлоқий, фалсафий, илмий қарашларини ўрганиш, уларни келажак авлодларга етказиш масъулиятли ва шарафли бурчимиздир. Зеро, шахсини ҳар томонлама қамол топтириш ҳамма даврларда ҳам жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган.

Буюк давлат арбоби ва қомусий олим Алишер Навоий қолдирган маънавий меросга барча даврлар учун муҳим аҳамиятли ажойиб фикрлар борки, улар бугунги шиддатли тараққиёт учун ҳам долзарбдир. Улғу шoirнинг ҳаёт маъноси, комил инсон гоёси, кишининг руҳий дунёси тасвири, одоб-ахлоқ тарбияси ҳақидаги пурҳикмат, доно фикрлари бетақрор тафаккур меваларидир.

Нигора Мўминова,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудир

“Ҳайрат лаҳзалари”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, шоир, журналист ва адабиётшуно Отабек Исмоиловнинг “Ҳайрат лаҳзалари” номли янги китоби нашрдан чиқди. Ундан миллатимиз фахри, мумот адабиётимизнинг буюк намояндаси Алишер Навоий ва у зотни ўзига устоз деб билган Муҳаммад Ризо Оғаҳий ижодий мероси ҳақидаги адабий мақолалар, газаллар, қитъаларнинг таҳлил ва талқинлари ўрин олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиётшунолик ва адабий танқид кенгаши, шунингдек, Хоразм Мамун академияси, “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси илмий кенгашлари томонидан муҳокама этилиб, нашрга тавсия қилинган тўплам дебечасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

“Улғу Навоийнинг ҳар бири бир жаҳон маъно, бир олам ҳис-туйғу ифода этилган байлларини такрор ва такрор ўқиб, ҳар сафар кўншлимиз сурур ва ҳаяжон билан тўлади, ҳар сафар бу олом сатрларини яни қирраларини кашф қиламиз, янги-янги маъно товланишларини қўриб ҳайратланамиз”.



Ушбу китобдан жой олган мақолалар, талқинлар ҳам Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Оғаҳий асарлари мутоласи бахш этган чексиз завқ-шавқ ва ҳайратлар махсулидир. Унинг “Ҳайрат лаҳзалари” деб номланиши ҳам шундан.

Муаллиф мазкур нашрдан жой олган тадқиқотлари, таҳлил ва талқинлари орқали икки буюк сиймонинг ижодий муҳорати қирралари, шеърини санъат услубларини таъриф ва тартиб этишга интилган.

Китоб Алишер Навоийнинг муборақ таваллуд санаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг 210 йиллигини мамлакат миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори асосида маданий, маънавий-маърифий тадбирлар давом этаётган шу кунларда адабиёт мухлисларига ўзига хос тухфа бўлди.

Маҳлиё ЖУМАНИЁЗОВА,
Муяссар САИДОВА,
“Ичан-Қалъа”
Давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари

Биринчи Президентни ед этиб...

Халқига бахшида умр



Хазорасп туман Кўзи ожизлар кутубхонасида 30 январь куни "Ислол Каримов босиб ўтган умр йўли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни кутубхона мудири И.Аллаҳов олиб борди. Ўзбек халқининг суюкли фарзанди, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислол Абдуғаниевич Каримов ҳаёт бўлганида бу йил 82 ёш-

ни қаршилди. Ғайратли йўлбошчимиз ўта қалтис ва таҳликали бир вазиятга қийинчилик ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатларда ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирди. Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод этиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. У ўзининг серқирра сиёсий фа-

олияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида катта ҳурмат ҳамда обрў қозонган етуқ шахс ва арбоб сифатида танилди. Бундай олижаноб фазилат эгаси ёшларимизга ибрат бўла олади.

Р.Хўҷаниёзова, Хазорасп туман кўзи ожизлар кутубхонаси ходими

Халқаро ҳамкорлик

Ёдгорликлар умри узаяди

Маълумки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари яқинда Хоразмда, жумладан, Хива шаҳрида бўлиб, сайёҳлик соҳасидаги истиқболли режалар билан яқиндан танишди-лар. Бугунги кунда мазкур банк ўз маблағларини туризм йўналишидаги ишончли инвестиция лойиҳаларига йўналтирмоқда.



Хоразм Маъмур академиясида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Мажмуавий маданий мерос механизми дастури доирасида дунёнинг нуфузли институтлари олимлари, жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) ҳамда тегишли ҳамкорлар иштирокида маданий мерос механизми борасидаги ишлар атрофида ўрганилиб, тажрибалар алмашилганди.

Ўз навбатида Хоразмга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини янада ошириш мақсадида туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларига Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағларини жалб этиш масаласи ҳам муҳокама этилиб, 2020 йил учун режалар белгилаб олинди.

Шу йил 27 – 31 январь кунлари Хоразм Маъмур академиясида ўтган халқаро илмий-амалий семинар ҳам шу йўналишдаги хайрли амалларнинг давоми бўлди. Унда Европадаги машҳур CRA TERRT (Гренобля-Франция) архитектура-археология илмий-тадқиқот институти, Хоразм Маъмур академияси, Урганч университети олимлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданий мерос департаменти, вилоят бошқармаси ва "Ичан-Қалъа" давлат музей қўриқхонаси мутахассислари, туризм соҳасига алоқадор тадбиркорлар иштирок этишди.

Анжуман ҳудуддаги тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳолатини ўрганиш ва реставрация қилиш масалаларига бағишланди. Европа тараққиёти ва тикланиш банки ҳам худди шу йўналиш ва у орқали воҳа туризм салоҳиятини оширишни молиялаштиришни режалаштирган.

Семинарда CRA TERRT архитектура-археология илмий-тадқиқот институти олимлари Себастьян Морисет, Чамсия Садоэай, Хоразм Маъмур академияси раиси Ўринбосари, архитектура фанлари доктори Ғафҳар Дурдиевалар матбуазалари, "Ичан-Қалъа" давлат музей қўриқхонаси мутахассислари Икром Раҳимов, Ҳамид Абдуллаев ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Иштирокчилар бевосита Хивада жойлашган тарихий-меъморий ёдгорликлар билан танишиб, улар ҳолатини баҳолаш, реставрация қилиш ишлари бўйича ўзаро тажриба алмашдилар. Молиявий, илмий-амалий соҳаларда бошланган халқаро ҳамкорлик ижобий самаралар бериши шўҳбасиз.

Отабек Исмоилов, журналист

Аждодлар мероси



Амир ТЕМУР ва Ватан туйғуси

Халқимизга Ватанни севиш, ардоқлаш, унга садоқат билан хизмат қилиш – бобомерос фазилат, бебаҳо маданиятдир. Табиёр жоиз бўлса, юртга бош бўлиш, давлатни бошқариш маданиятини дунё мамлакатлари номояндлари бизнинг аждодларимиз, хусусан, Амир Темур бобомиздан ўрганган. Сохибқироннинг "Темур тузуқлари" китоби кўпгина давлатбошларга дастуриламал – қўлланма бўлганлиги ҳам энди ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейида ўтказилган "Амир Темур ва Ватан туйғуси" мавзусидаги маънавий-маърифий, маданий тадбирда айнан шу ҳусусда сўз борди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ва унинг Тошкент вилоят муассасаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи ҳамкорлигида ўтказилган учрашув ва давра суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Улар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг "Салтанат ичра Ватан", доцент Жумабой Раҳимовнинг "Бу-

юк аждодларимизнинг ҳарбий санъати мисолида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг "Темур тузуқлари" да ватанпарварлик мавзуси", ёзувчи Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Шеърлар қалъаси", Амир Темур хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти муассаси раҳбари Мухаббат Шоюсупованинг "Аждодлар мероси – ибрат мактаби, гуруру ва ифтихор манбаи", тарихшунос олим Илҳомжон Жамолхожининг "Ватан туйғусининг манбаи", Ислол Иноятовнинг "Ватанимиз ардоғидаги мактабим" каби маърузаларини қизиқиш билан тингладди. Темурбеклар мактаби ўқувчиларида, айниқса, Қашқадарёдаги Темур гори, Жалолиддин Мангуберди жасорати, Темур тузуқларининг халқаро миқёсдаги аҳамияти ҳақидаги марокли хикоялар катта таассурот қолдирди. Устозларни эса узукко ўқувчиларнинг ҳозиржавоблиги, Амир Темур, Жалолиддин Мангубердидек миллий қаҳармонларимиз шахсига доир саволларга мухтасар жавоб бера олганликлари манган эпти.

Кўргазма

Илк шаҳарлар моддий маданияти

30 январь куни Термиз археология музейида янги "Илк шаҳарлар моддий маданияти" номли кўргазма очилди. Унда музей фондида сақланаётган Жарқўтон ёдгорлигидан топиладиган экспонатлар намойиш этилди.

Ер юзиде илк шаҳарлар Қадимги Шарқда бундан 5-6 минг йил аввал пайдо бўлган. Олимларимиз таъкидлашчи, Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар Сурхондарё вилояти Шеробод туманида жойлашган Жарқўтон ёдгорлигидир (3,5 минг йил олдин юзага келган). Худудда 1973 йилдан буён археологик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўп йиллик қазилма ишлари натижасида ёдгорликнинг умумий майлони 100 гектарни ташкил этиши аниқланди. Шундан 3 гектари кўҳандиз (Арқи аъло, ҳукмдор қароргоҳи) жойлашган ҳудуд, 45 гектари протошаҳристон (хунарманд ва савдогарлар турар жойлари ва устaxonалар жойлашган ҳудуд), қолган қисми қабристон ҳисобланади. Ёдгорликнинг мудофаа девори билан ўралган кўҳандиз қисмида шаҳар ҳукмдори саройи жойлашган. Протошаҳристонда

эса уй-жойлар, хунармандчилик устaxonалари ва шаҳар аҳолиси синиғаниданг оташпарастлик ибодатхонаси қолдиқлари топиладиган. Жарқўтон қабристониде 3 мингдан ортиқ қабрлар очиб ўрганилган. Улардан топиладиган сопол буюмлар, муҳрлар, меҳнат қуроллари ва бошқа ашёлар аҳоли ҳаётида хунармандчилик юқори ўрин тутганини кўрсатади. Мазкур ёдгорлик нафақат Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимий шаҳар харобаси экани, балки бу ерда илк давлатчилик илдиэлари пайдо бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Термиз археология музейида ташкил этилган "Илк шаҳарлар моддий маданияти" номли кўргазмада юртимиз ҳудудидаги энг қадимий шаҳар Жарқўтон ёдгорлигидан топиладиган моддий маданиятимиз намуналари кент омма эътиборига ҳавола этилди. Кўргазма 20 февралгача намойиш этилади.

Анвар Раҳматуллаев, Термиз археология музейи директор ўринбосари



Таъзиянома

Ўзбекистон халқ артисти, кино ва театр актёри Хайрулла Саъдиев хонадониде огир жудолик. Унинг фарзанди Сардор Саъдиев оламдан ўтди. Маданият вазирлиги жамоаси Хайрулла Саъдиев ва унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Ривоят
**Оролни
машхур
қилган қабр**



Қадимги Термиз харобалари қаршисида Амударё сувини иккига бўлиб юборган бир орол бор. У халқ орасида "Пайғамбар ороли" номи билан машхур. Бунга сабаб унинг табиати эмас, аслида пайғамбарлардан бирининг рамзий қабри жойлашган манзил сифатида қадрланишидир. Унинг "Пайғамбар ороли" номи олиши ҳам шундан. Бу ерда Қуръони каримда зикр этилган 25 пайғамбардан бири бўлиш Зул-Кифл (Кафолат соҳибининг) дафн этилган жойи деган тахминлар туфайли шундай фикрлар айтилган. Бу пайғамбарни турк олимларидан Шайх Муҳаммад ал-Хувшобий (р-х) ўзининг тарихий китобида Ҳизқийл ибн Бузо деб атаган. Зул-Кифл номи олишига сабаб эса шу китобда келтирилган бир воқеа билан боғлиқ. Яъни яхудиёлар 70 нафар пайғамбарни ўлдириш учун қамоққа олганида у кечаси келиб, ҳаммасини қочириб юборди. Шунда пайғамбарлар унга бундай қилсанг, сени яхудиёлар ўлдиради, деганларидан Ҳизқийл "70 нафар пайғамбар ўлганидан кўра битта менинг ўлганим афзал" дейди. Бу пайғамбар ҳақида одамлар орасида турли ривоятлар бор. Уларнинг ҳеч бири манбаларда мавжуд эмас. Жумладан, бир ривоятда пайғамбар вафотидан олдин ўз жасадини қайиққа солиб, дарёга оқизиб юборишни ва қайиқ қайси қирғоққа келиб тўхтаеса, ўша ерга дафн этишларини васият қилган. Бироқ қайиқ дарёнинг ўртасига келиб тўхтаб қолгани, шунда мўъжиза рўй бериб, дарё тубидан орол қалқиб чиққани, шундан сўнг уни шу оролга дафн этишгани айтилади. Манбаларга кўра, "Пайғамбар оролидаги" қабр рамзий ҳисобланади. Оролдаги Зул-Кифл қабри устидаги мақбара ва масжиднинг қурилган йиллари аниқ эмас. Иншоотнинг XI-XII асрларга мансублиги ва Маҳмуд Газнавий ҳамда унинг авлодлари ҳукмронлиги даврида барпо этилгани келтирилади хос.

Ҳ. Умбаров, Ғ.Шоҳдоров,
Термиз давлат музейи
қўриқхонасининг илмий ходимлари

Хотира



Бир инсоннинг ўртacha умр кўриш даражаси асрлар, даврлар олдида ҳеч нарса эмас. Лекин шундай қисқа умри давомида асрларга татигулик буюк ишларни амалга оширган, тарих зарвараҳларига ўз номи муҳрлаб кетган шахслар барча замонларда ҳам халқ онгида сақланиб қолади. Дунё миқёсидаги буюк давлат ва жамоат арбоби, эзгу ишлар бунёдкори, Мустақиллигимиз асосчиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ҳам барчага ўрнак бўладиган ҳаёт кечириб, халқимиз қалбидан жой олди.

Мустақиллик меъмори

Мамлакатнинг энг мураккаб ва оғир бурилиш даврида унга йўлбошчилик қилиш учун куч топа олгани, буюк маданият ва тарихга эга бўлган халқни хурликка етаклаган даври, мамлакат тинчлиги ва фаровонлиги йўлида амалга оширган ишлари, Ўзбекистонни ҳеч бир давлатдан кам бўлмаган мамлакатга айлантириш йўлидаги ислохотлари, бугунги кунларга эришиш йўлидаги собитқадамлиги ва жасорати унинг номи абадийликка муҳрлади. Ислам Абдуганиевич бутун фаолияти давомида адолатли сиёсат юритди. Улуғ раҳнаоминининг "Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор", деган жумлалариёқ фикримизни исботлайди. Ислам Каримов буюк бобдон сифатида мустабид тузум даврида шундай хурлик ниҳолини эчкиди, у бир неча йиллар давомида чуқур илдиз отиб, ўз мевасини берди.

Ўз сиёсий фаолиятининг дастлабки давларидаюқ адолат билан иш юритиб, бошлаган ишдан зинҳор орта чекинмаслиги, ўз мақсади йўлида ҳар қандай тўсиқларни писанд этмаслиги билан халқни ўз ортидан эргаштирди ва чин маънода эл қалбиди Мустақиллик, хурликнинг сўниб бораётган маёғини қайтадан ёқди. Уша онларда собиқ юртбошимизга узокни кўра билиш ва ҳар қандай вазиятда тўғри ечим топа олиш қобилияти қўл келди. Ис-

лом Каримов "ақлли одам – саросимага тушмас, инсонпарвар одам – ҳасрат қилмас, жасур одам – ҳадиқсирамас" қабилида иш олиб борди.

Узоқ давом этган иқтисодий-сиёсий инқироз, тартибсизликлар нафақат оддий аҳолида, балки иттифоқ таркибидаги масъул шахсларда ҳам норозилик кайфиятини келтириб чиқарди. Натижанда 1991 йил 19-20 август кунлари Москвада тўнтариш ўтказилди. Бу тартибсизликлар юртимизга таъсир қилишининг олдини олиш учун Ислам Каримов Ҳиндистон сафаридан зудлик билан қайтди. Ва бу ҳолатга ортиқ чидаб бўлмастлигини, Ўзбекистон иттифоқ таркибида энди қололмаслигини англаган раҳбар қатъият билан чора кўрди. 25 август куни унинг фармони билан Ички Ишлар Вазирлиги ва Давлат ҳавфсизлик қўмитаси Ўзбекистон ССР таркибига киритилди. 26 август куни Ўзбекистон Олий Кенгаши раёсати Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақида фармойиш чиқарди. 1991 йил 31 август халқимиз тақдирини узоқ кутилган бурилиш ясаган, ёшу қарига бирдек эркинлик берган хурликка, мустақилликка эришилди. Энди ёш мустақил давлат олдида замон талабларига жавоб берадиган, эркин фуқаролик жамияти қуриш, уни эски тузум саркитларидан тозалаш вазифаси турарди.

Ислам Каримов дастлабки

йиллардаюқ жаҳон стандартларига мос ислохотлар режасини ишлаб чиқди. У ўз ривожланиш истиқболдини белгиловчи, том маънодаги Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва мустақамланишида, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатга айланишида муҳим қўлланма вазифасини бажарди. Беш тамойилдан иборат "Ўзбек модели" яратилди.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этди.

Унинг ислохотларини изчил давом эттираётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" ги қарорини эълон қилди ва бу борада кўплаб ишларни амалга оширди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёнинг бошқа давлатларида ҳам Ислам Каримов номи билан аталувчи бир неча мажмуалар барпо этилди. Жумладан, Россия ва Туркменистонда алоҳида ёдгорлик мажмуасининг яратилгани Ислам Каримов нафақат ўзбек халқи, балки бошқа эллар қалбидан ҳам жой олганининг исботидир.

Д.Маҳмудова, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими


Мозийга назар



Тасвирлар сўзлаганда

БОЛАЛИКТЕПА ЁДГОРЛИГИ Кўҳна Термиздан 13 км шимолдаги Ангор туманида жойлашган. У 1968 – 1970 йилларда Л.И.Альбаум томонидан ўрганилган. Ёдгорлик илк ўрта асрларга оид кўшк-сарой ҳисобланади. Майдони 0,1-0,2 га.ни ташкил этади. Қаср тархи тўғри тўртбурчакли баланд пойдевор устига қурилган. У V-VI асрларда барпо этилган бўлиб, тағига шакл бериб турувчи пойдеворнинг баландлиги 6 метрдан иборат. Болаликтепа деворларидан V-VI асрларга оид 47 та одам қиёфаси тасвирланган расмлар аниқланган ва унда зиёфат базми акс эттирилган.

КУЁВҚҮРҒОН ЁДГОРЛИГИ Зартепадан 300 метрлар шарқда жойлашган милодий бешинчи асрнинг иккинчи ярми олтинчи асрга мансуб кўшк, яъни зоодагон қароргоҳидир. Илк бора археологлар томонидан 1977 йилда аниқланган. Томонлари 18x20 метрга тенг, икки қаватли паҳса саҳн устида қурилган. Бинонинг шимолий тарафида равоқсимон услубда ёпилган узун хона даҳлиз вазифасини ўтаган. Ўз навбатида бу равоқсимон хонанинг ўртасида бинога қириладиган йирик аркасимон эшик жойлашган. Аркасимон эшикка шимолий тарафдан уч метр масофага қўзилган зиналар орқали ўтилган. Иншоотнинг шарқий



тарафи икки тўғри бурчак кўринишдаги ва бир йўлаксимон хоналардан таркиб топган. Равоқсимон хоналарнинг гарбий тарафи энгиза 3 метр, бўйи бутун бино узунлигига тенг паҳса саҳндан иборат. Унда маълум бир оралик масофада жойлашган харилар ўрнатилган ўра изларига кўра, бу қисмда ёғоч устунли айвон мавжуд бўлган. Кўшқда қуриш ишлари икки босқичда амалга оширилган. Биринчи босқичда кўшк айнаи шу таърифи келтирилган меъморий тузилишга эга бўлиши қатори унинг шарқий тарафида кичикроқ зал мавжуд. Иккинчи қуриш босқичида кўшқда қисман ўзгаришлар амалга оширилган. Хусусан, шарқий тарафдаги зал ҳажми жиҳатидан қисқартирилган, яшаш ва қабулхоналари иккинчи қаватга кўчирилган. Шундан сўнг бино соҳиблари биринчи қаватдаги хоналардан фақат хўжалик мақсадларида фойдаланганлар. Археолог Т.Аннаев фикрича, иккинчи қуриш босқичида Куёвқўрғон залларидан бири ранг-баранг хайкалларга, ўз навбатида хайкаллар турган тоқчалар, хона деворлари турфа рангларга безалган. Умумий сони 10 – 12 тани ташкил этган Куёвқўрғон хайкаллари ўзининг ранг-баранглиги ва ўзгачалиги билан ажралиб туради. Милодий бешинчи асрнинг иккинчи ярми ҳамда олтинчи асрга оид бу маҳабатли хайкалтарошлик намуналари Шимолий Тохаристонда ва бутун Ватанимиз ҳудудида 5-6 асрлар бадийи санъатини ўрганишда гоётада муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шерзод Раджабов, Термиз археология музейи бўлим мудир

Кадр абадий

Буюк жасорат соҳиби

Ўзбекистон халқи ҳуррият шабадасини ҳис қилишига, давлатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига сабабчи бўлиб, мангуликка кетган Биринчи Президентимиз Исрол Абдуганиевич Каримов ёди ҳамон қалбларимизда. Буларнинг ҳаммаси марҳум юртбошимизга бўлган самимий муҳаббатимиздир. У кишининг таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаб эса эзгу аънамага айланди. "Бу сани муносиб ўтказиш, бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва савиями-

ни намоеън этади", – деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Биринчи Президентимиз Исрол Каримов таваллуд кунини нишонлаш мақсадида Ангрэн шаҳар тарихи музейида "Буюк жасорат соҳиби" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимининг Ижтимоий масалалар ва ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари С.М.Анорбоев, Маънавият ишлари бўлими раҳбари А.Т.Юсупов, 7-умумтаълим мактабининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари С.Мадраимовлар иштирок этишди.

Учрашувда И.Каримов ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди. Ўқувчилар Биринчи Президент хотирасига бағишлаб шеърлар ёд олишди. Шунингдек, шаҳар тарихи музейининг этнография ва санъат бўлимида И.Каримов ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи "Буюк жасорат соҳиби..." номли янги кўргазма очилди. Унда Биринчи Президентимизнинг асарлари, портрет ва расмлари намойиш этилди.

З.Сайдиганиева, Ангрэн шаҳар тарихи музейи бўлими мудираси

У – мангуликка дахлдор

Хива лазгиси...



Неча асрлардан буюн ўз буюклигини сақлаб келган Хива нафақат Республикаимиз, балки бутун дунёнинг нодир, гўзал дурдонасидир. Бу ўлка ҳашаматли, нақшинкор саройлари, кўк билан ўпишган сержилло миноралари, йиллик устунларга суюнган масжидларигина эмас, беқиёс санъати, ўзига хос лазгиси билан ҳам машҳур. "Хива лазгиси" раққослари бошига пари, попукли, безакли тахё (Хоразм дўпписи) кийиб, кўкрагига шавкали (тақинчоқ) осили шарт. Юксақ маданиятли ўлканинг санъати ҳам буюк бўлади. Атроф-муҳитдаги ранг-баранг гўзаллик, меъмуру хунармандларнинг нозик санъати рақс ижодкорларини ҳам илҳомлантирган. Инсон ўз қўли билан яратган мўъжизалардан баҳра олиб, қалбида тугилган ҳаяжонни рақсга кўчирган. Масалан, минораларга қиёсан бир жойда турганлигини таъкидлаш учун товоқ устида оёгини қимирлатмасдан, юз, кўз, қўл ҳаракатлари билан ўйналадиган энг мураккаб рақс услуби яратилган. "Лазги" куйи янги рақс услубини ҳам ўз бағрига олди. Шу тариқа "Хива (Минор) лазгиси" майдонга келди. У барча "лазги" лар ичида энг мураккабидир. Унга рақсга тушиш учун ўта истеъдодли бўлиш керак. "Лазги" рақсининг қайси тури бўлмасин, у ким томонидан ижро этилмасин, хар кимда ўзига хос чиқади. Ҳар бир ижрочи услуби ўзига хос ва мос бўлиб, бетакрордир. "Лазги" нинг оригинал ижро услуби, кўриниши, мазмунини билан фарқландиган турлари кўп. Унинг очилмаган сирлари хали бир талай. "Лазги" ўз элига, ўз бешигига эгадир. У – мангуликка дахлдор.

К.Аминов, Г.Эгамова,
"Ичан-Калъа" Давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари

«Хоразм макони»

"Олтин фонд" га муҳрланди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ҳамда Ўзбек миллий мақом санъати маркази давлат муассасасининг 2020 йил 27 январдаги хати ижросини таъминлаш мақсадида 3 февраль куни "Хоразм Мақом" жамоаси "Сеғоҳ" ва "Рост" мақом намуналарини Ўзбекистон радиосининг "Олтин фонд" га эъиб олиш ҳамда "Наво" телеканалда янги ташкил этилган "Зебо пари" кўрсатувида фаол қатнашдилар.

Фольклор фестивали

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган бешта муҳим ташаббус доирасида 19 январь куни Фарғона вилоят Фориш тумани "Яссиқечув" маҳалласида ҳокимнинг ёшлар билан учрашуви ташкиллаштирилди.

"Нурли наволар"

Унда 16 та фольклор жамоалари қатнашди. Низомга кўра, жамоалар 20 дақиқалик дастур намойиш этидилар. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ижро маҳорати, дастур сюжетини, сахна маданияти ҳамда сахна либосларига қараб, 10 баллик тизимда баҳолаб бордилар.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, ўринлар куйидаги номинациялар бўйича белгиланди:

- "Энг яхши жамоа" – Булоқбоши тумани "Тавҳар" фольклор ансамбли
 - "Энг изланувчан жамоа" – Марҳамат тумани фольклор ансамбли
 - "Урф-одат ва маросимлар тарғиботи" – Қўрғонтепа тумани "Бедана" фольклор ансамбли
 - "Ижро маҳорати" – Балиқчи тумани "Зилол" фольклор ансамбли
 - "Мухлислар олқиши" – Асака тумани "Тулруҳ" фольклор ансамбли
 - "Умидли жамоа" – Хонобод шаҳар фольклор жамоаси
 - "Саҳна маданияти" – Избоскан тумани "Шукрона" фольклор ансамбли
 - "Энг яхши халқ кўшиғи" – Улуғнор тумани "Ер-ёр" фольклор ансамбли
 - "Оригинал гоёлар" – Андижон тумани "Бедана" фольклор ансамбли
 - "Халқлар дўстлиги тарғиботи" – Пахтабод тумани "Отуш" фольклор ансамбли
- Бўстон, Ҳўжабод, Шаҳрихон, Жалақудуқ, Олтинқўл туманлари ҳамда Андижон шаҳри фольклор ансамбллари эса "Фаол иштироки учун" фахрий ёриқлари билан тақдирландилар. Булоқбоши тумани "Тавҳар" фольклор-этнографик ансамбли Навоий вилоятида ўтказилган "Нурли наволар" халқаро фольклор фестивалида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Шоҳжаҳон Холбеков, Андижон вилоят маданият бошқармаси бош мутахассиси



"Бешта муҳим ташаббус"

Шофирконда "КЕЛАЖАК" фольклор фестивали ўтказилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳамда 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарорлари, шунингдек, 2019 йил 19 мартдаги Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича "Бешта муҳим ташаббус" ни амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказишни ташкил этиш, уларни номоддий маданий меросимиз дурдоналаридан бири бўлган ижрочилик йўналиши – фольклор санъатига бўлган қизиқишларини уйғотиш, ота-боболаримиздан бизгача меърос бўлиб келаятган халқ оғзаки ижодини асл ҳолича ёш авлодга етказиш мақсадида 2020 йилнинг 3 февраль куни тумандаги 9-БМСМда "Келажак" фольклор фестивали ташкил этилди.

Унда тумандаги 9-11-16-27-34-35-46-умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан иборат фольклор жамоалари қатнашди. Фестивалда жамоалар томонидан "Наврўз сайли", "Наҳори нашта", "Омон ёр", "Дўппи тикдим" каби лапарлар ижро этилди.

Натижаларга кўра, 27-умумтаълим ўрта мактабининг "Ёш ғунчалар" фольклор жамоаси фахрли 1-ўринни, 9-умумтаълим ўрта мактаби жамоаси 2-ўринни, 34-умумтаълим ўрта мактаби жамоаси эса 3-ўринни кўлга киритишди. Шунингдек, фаол иштирок этган жамоаларга ва мусиқа ўқитувчиларига Маданият бўлими томонидан ташаккурномалар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: **285**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тوشкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади: 8521 **Буюртма:** Г - 227
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тوشкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 22.00
Топширилди - 22.00
1 2 3 4 5